

Зарҳал ҳарфлар билан битилган сана



Сўх туманида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилган «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди

2-3

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2022 йил
7 июнь
сешанба
№ 72-73
(4669)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

ЭНГ ЯХШИЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ



4



Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи очилиш маросимидаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!
Ассалому алейкум, дўстона азиз!
Қадри муҳимлар!
Меҳмондўст ва орияти баланд Сўх аҳли!

Мен, аввало, том маънода афсоналар юрти, бағрикенг ва саховатпеша Сўх заминига келганимиздан бахтиёр эканимизни айтмоқчиман.

Янги Ўзбекистон меъмори, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги бунёдкорлик ишларининг ташаббускори, муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг сиз азизларга, танти ва меҳнаткаш сўхликларга самимий ва меҳрли саломларини етказаятигимиздан ғоятда хурсандман.

Азиз дўстлар!
Юртимизнинг энг сўлим ва мафтункор масканларидан бири – кўп асрлик тарихи бор Сўх тупроғига қадам босар эканман, фарғоналик атоқли шоир Фурқатнинг ушбу мисралари хаёлимдан ўтди:

Киши тубию кавсар, жаннату ризвон-

*ни не қилсин,
Жаҳон айвонида ҳосил бу янглиғ анжуман бўлса.*

Ҳақиқатдан ҳам, мана шундай мусаффо ҳавони, бетакрор табиатни, бу диёрнинг юртсевар ва одамоҳун инсонларини дунёнинг бошқа ҳеч ерида учратмаймиз.

Агар Сўх – Аллоҳнинг назари тушган жаннатмонанд юрт! – десам, бу ҳам айни ҳақиқатдир.

Кўҳна Сўхнинг шонли тарихи, ўзига хос бетакрор маданияти ва қадриятлари минг йилликлардан ҳикоя қилувчи алоҳида бир дostonдир.

Мен бугунги тадбирга тайёргарлик кўриш асносида Сўх тарихи билан қизиқдим. Бир қатор тарихий манбаларни ўқиб чиқдим. Билдимки, тарихий далилларнинг гувоҳ беришича, **Сўхнинг тарихи эрамиздан олдинги бир неча минг йилликларга бориб тақалар экан.**

2 >>>



ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

6

Тоғлар каби юксалаётган қадр

Паркент туманида
«Заркент» санаторийси
фаолият юрита бошлади



5

Зарҳал ҳарфлар

Сўх туманида Президентимиз ташаббуси билан томонидан барпо этилган «Сўх» болалар



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси, сенатор Қудратилла Рафиқовнинг «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи очилиш маросимидаги табрик сўзи

<<< 1

Биринчидан. Ўзбекистон археологларининг кўп йиллик қазилмалари натижасида Сўх воҳасининг шарқий қисмида жойлашган Селенгур ғорида тахминан 1,5 миллион йил муқаддам яшаган қадимги одамлар («Фергантроп») манзилгоҳи топилган.

Иккинчидан. Сўх дарёсининг қадимги ўзани, Обишир сойининг ўнг қирғоғидаги ғорлардан топилган бой ашёлар мезолит даврига мансуб бўлиб, улар бошқа ёдгорликларни ўрганишда «эталон» сифатида хизмат қилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Сўхнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари ҳамда дарё соҳилларида мезолит даврига оид кўплаб ёдгорликлар мавжуд.

Учинчидан. Сўх воҳаси инсоният цивилизациясининг энг кўҳна битикларидан бўлмиш зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да «Сухи Фардафшун» номи билан аталган.

Тўртинчидан. Биз Сўх ўғлонларининг мардлиги, чапдастлиги, баҳодирлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Бу шунчаки, кўнгил учун айtilган гап эмас, балки ҳаётий ҳақиқатдир. Буюк бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида 1493 йилда Сўх ва Хушёр қишлоқларига келганини ёзиб қолдирган. Бобур бобомизнинг жангларида муваффақиятларга эришишида, Хиндистонга бориб, қудратли салтанат барпо этишида айнан унинг ёнида биргаликда буюк мақсадлар йўлида жанг жадалларга кирган Сўхнинг қаҳрамон фарзандларининг муносиб ҳиссаси борлигига тарих гувоҳдир.

Ҳурматли тadbир иштирокчилари!

Ота-боболар қонидан жўш урган бундай ғайрат-шижоат бугун бу азиз заминда яшаётган сўхликлар томирларида ҳам оқмоқда.

Замонавий Сўх тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, халқимизнинг қалбидан, юрагидан чуқур жай олган Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Амралли Саидбеков, Ленинградни озод қилиш қаҳрамони Тешабой Одилов, халқ хўжалиги ривожини йўлида самарали меҳнат қилган Мўйдин Юнусов, Жамолиддин Дадоқаримов, Давронбек Мамашарилов, Мирзо Бобоқолонов, Мирзо Юнусов ва бошқаларни чуқур ҳурмат билан эсга оламиз.

Сўх таълим соҳаси жонкуярлари Мирзажон Хўжамов, Субҳиддин Шарофиддинов, қалами ўткир журналистлар Фарҳод Миршаропов, Содиқжон Тоҳировларни алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз.

Спортнинг бир неча турларида мамлакат, Осиё ва Жаҳон мусобақаларида зафарли ўринларни қўлга

киришиб келаётган Расулбек Давронов, Абдураҳим Қозиев, Фарҳод Исоев, Сухробжон Қориев, Насим Муҳиддинов, Рустам Казаров каби спортчи ёшларимизнинг номи бугун нафақат водийликлар, балки бутун халқимизнинг қалбини ифтихорга тўлдирмоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, нафақат Сўхнинг, балки мамлакатимизнинг фахрига айланган шу азиз ўғил-қизларимизни бир олқишлаб кўйсак, нима дейсизлар?

Ҳурматли меҳмонлар, тантанали маросим қатнашчилари!

Маълумки, Сўх анклав мақомидagi ҳудуддир. Биз мустақилликнинг ўтган қарийб чорак асрлик тарихида айни шу омил сабаб кўплаб муаммоларга дуч келганимизни ҳаммамиз яхши эслаймиз.

Юртбошимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёев Президентликка сайланганларидан кейин мафтункор Фарғона водийсининг бетақдор тарихий қисми бўлмиш Сўхга муносабат тубдан ўзгарди.

Бунинг ҳар бир сўхлик ўз ҳаётида кўриб турибди. Ҳозирги кунда ўртадаги географик узилиш Сўх ва сўхликларни Янги Ўзбекистонимиз тақдирига, мамлакатимизда бўлаётган бунёдкорлик ишларига дахлдор бўлиб яшашига, унинг ривожига енгини шимариб астойдил ҳисса қўшишига ҳеч ҳам ҳалақит қила олмайди.

Чунки ҳеч ким четдан келиб, сўхликлар муаммосини ҳал қилиб бермайди. Ҳеч ким! Фақат ўзимиз ва яна бир бор ўзимиз мавжуд муаммоларни ҳал қилишга жавобгармиз. Ва фақат ўзимиз бу масалаларни ҳал қилишга қодирмиз.

Бунинг кейинги йилларда Сўх аҳолисининг эришаётган зафарлари мисолида кўриб турибмиз. Утган беш йил ичида мамлакатдаги ҳеч бир ҳудуд Сўхчалик муҳтарам Юртбошимизнинг эътибор марказида бўлган эмас.

Давлатимиз раҳбарининг Сўхга ва унинг Сиз – меҳмондўст ва меҳнаткаш халқига меҳри ўзгача. Сўхдаги тарихий янгиликлар бу фикримни тўла исботлайди.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги «2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий қарори ҳамда унинг ижроси натижасида амалга ошаётган кенг қўламли ўзгаришлар ана шу тарихий ишларга дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Келинг, айрим мисолларга эътибор қилайлик. Бундан атиги беш-олти йил илгари кимдир Сўхга вилоят марказидан авиарейслар қатнови йўлга қўйилади, сўхлик ёшлар учун олий таълимда махсус грантлар

ажратилади, турли имтиёзлар берилади, шу ерда замонавий болалар оромгоҳи бунёд этилади, деса бирор ишонармиди?!

Қилса бўлар экан-ку!

Буларнинг бари Юртбошимизнинг сиз азизларга бўлган қайноқ ва самимий эътирмининг ёрқин бир ифодасидир!

Муҳтарам дўстларим!

Энди бугун сизу биз тантанали очилиш маросимига йиғилган ушбу муҳташам ва замонавий кўринишда бунёд этилган иншоот – **Сўх болалар оромгоҳи** ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Бу оромгоҳнинг бошқаларидан катта фарқи бор. Фарқ шундаки, ушбу оромгоҳ ғояси, муаллифи, меъмори ва ташаббускори шахсан Шавкат Мирмоновичнинг ўзларидир.

Иншоотнинг чизмасидан тортиб, токи болаларимиз ихтиёрига топширилишигача бўлган давр шахсан Юртбошимизнинг назоратида бўлди. Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, **бу муаззам оромгоҳ Сўх ақлига, шу табарруқ замин фарзандларига Юрт отасининг меҳри ва эътибори рамзи, муносиб совғасидирки, барчангизни ушбу бетақдор совға билан муборакбод этаман.**

Ушбу оромгоҳ ҳудуди 5 гектардан иборат бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига муҳтарам Президентимизнинг шахсий топшириқлари асосида давлат бюджетидан ажратилган салкам 28 миллиард сўмга яқин маблағ ҳисобига оромгоҳ қад ростлади.

Оромгоҳ 200 ўринга мўлжалланган, мавсум давомида 1000 нафардан зиёд ўғил-қизларнинг мароқли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлашлари мўлжалланган. Айни чоғда мен Сиз – меҳридор сўхликларнинг самимий юз-кўзларингизга қараб, расмиятчиликдан ҳоли бўлиб, кўнгилдаги гапларни рўй-рост айтиб, сўхбатлашишни маъқул кўряпман.

Тўғриси сизларнинг шу топдаги бу хурсандчилигингиз, меҳрингиздан руҳландим, бу бизга ҳам чексиз хурсандчилик ва мамнуният бахш этмоқда.

Дарҳақиқат, қувонишга арзирли сабаблар етарли, зеро, айни замонда болалар учун оромгоҳлар кураётган давлатлар дунёда кўп эмас. Ёки ўзингиз айтинг, шу замонда қайси давлатда болалари учун қайғураётган, уларга шодлик ва бахт улашаётган Президент борлигини биласизми?

Очигини айтганда, мен азиз болажонларимизга ҳавас қиляман. Чунки уларни ўйлаб турган, улар учун қайғураётган, улардан ҳеч қачон оталик меҳрини аямаган ва аямайдиган Президентимиз, Юртбошимиз бор!

Шу маънода, бу маскан йиллар ўтиб, Сўх фарзандларининг азиз бир гўшасига айланишига ҳеч ҳам шубҳам йўқ!

Энди бу оромгоҳ сизларники, сиз азиз сўхликларники! Бу ерда ўғил-қизларимиз нафақат мириқиб ҳордиқ чиқаради, шу билан бирга, жисмонан чинққади ва керакли биллиmlарни олади.

Ишончим комилки, **бу маскан Сўхнинг эртасини бунёд этишга қодир бўлган, чин ватанпарвар ёшларимизнинг етишиб чиқишида муносиб ҳисса қўшадиган мўтабар даргоҳга айланади.**

Сўх халқиди шундай бир ажиб шиор бор:

Ману ту зодаи куҳи баландем,

Ба мо пасти наме зебад бародар!

Меҳмонлар учун таржимасини ҳам айтиб ўтаман:

Биз баланд тоғлар фарзандимиз,

Бизга пастилик ярашмайди!

Мен мана шундай гўзал диёрни обод ва фаровон маконга айлантириб турган Сўхнинг қадди баланд халқига тинчлик ва омонлик тиламоқчиман!

Шу билан бирга, мана шундай мустаҳкам ва муҳташам бино бунёд этган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги Капитал қурилиш бошқармаси ҳамда қурилиш ишларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатган Фарғона вилояти ҳокимлигига шахсан ўзим ҳамда барчамизнинг номимиздан чуқур миннатдорчилик билдираман!

Фурсатдан фойдаланиб, шунини мамнуният ва ифтихор билан айтмоқчиманки, муҳтарам Юртбошимиз азиз сўхликларнинг бахтли ва фаровон яшаши учун барча ишни қилишга, тумани катта бунёдкорлик, ишлаб чиқариши ривожланган ҳудудга айлантиришга бел боғлаб, жуда улкан режалар қилаётганликларини етказиб қўйишимни тайинладилар.

Демак, биз ҳали Сўхга кўп яхши кунларда яна келамиз, сизларни бундай қувончли тадбирларда кўп бор муборакбод этамиз.

Барчамизни ўша кунларга етказсин!

Шу кўркам масканда бугун мириқиб дам олаётган ёшларимиз она Ватанимизнинг эртани кунига ҳамisha камарбаста бўладиган инсонлар, юртининг фидойилари бўлиб етишисин!

Сўхда истиқомат қилаётган нурли онажонларимиз ва нуруний ота-хонларимиз, оқсоқолларимиздан шу азиз юртимиз ривожини учун, халқимизнинг мард ва жасур ўғлонлари билан биргаликда ҳақиқатда дуода бўлишларини сўраб қоламиз.

Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, муҳтарам Юртбошимиз халқимиз бахтига ҳамisha омон бўлсинлар!

Эътиборингиз учун раҳмат!



Билан битилган сана

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди

Янги иншоотнинг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, касаба уюшмалари фаоллари, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси, кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, эл ардоғидаги устоз ва мураббийлар, таниқли ижодкорлар ва санъаткорлар, нурунийлар ва маҳалла фаоллари, ота-оналар ва болалар қатнашдилар.

Болаларга бетакрор тухфа



Тадбир давомида сўзга чиққанлар юртимизда изчил давом эттирилаётган туб ислохотларнинг асл мазмун-моҳияти, Сўх тумани аҳолисига, хусусан, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ва эҳтижман оилаларга яратилаётган шарт-шароитлар, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз юритишди.

Умумий майдони қарийб 5 гектар бўлган «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 200 ўринга мўлжалланган. Жами 27 миллиард

Дарвоқе, жаҳон андозлари таллабига мос равишда барпо этилган «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи нафақат ўғил-қизларимизни мароқли дам олдириши ва жисмонан чиниқтириш, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ривожлантиришга, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи марказ сифатида ҳам фаолият юритади. Шунга кўра, барча қўлайликларга эга маданият ва маърифат маркази, ўзбек мутафаккирлари ва таниқли шоир-ёзувчиларнинг китоблари ҳамда жаҳон

Тантанали тадбирда янги иншоотнинг ҳақиқий эгалари бўлмиш ўғил-қизларга унинг рамзий қалити, дам олиш масканига эса «Дамас» автомобили топширилди.

Оромгоҳ мавсумнинг илк навбатида 200 нафар болани қабул қилди. Улар тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлиб, барчасига 12 кун мириқиб дам олишлари учун бепул йўлланмалар берилди.

Янги оромгоҳнинг илк дам олувчиси эканимдан жуда хурсандман, – дейди Нургул Жўрабоева. – Тенгдошларим билан бирга шунақа даргоҳларда мазмунли ҳордиқ чиқаришни орзу қилардим. Аммо илгари туманимизда бунинг имкони йўқ эди. Энди эса барча шароитларга эга замонавий оромгоҳ қад ростлаб, орзуларимиз рўёбга чиқди. Биз бунинг учун барча тенгқурларимиз номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдираимиз. Ўз навбатида, бундан кейин ҳам яхши ўқиб, юртимизга хизмат қиладиган фарзандлар бўлиб улғайишга ваъда берамиз.

Одинахон Шамсиддинова Сўх туманидаги 4-мактабда фаррош бўлиб ишлайди. Унинг қизи Меҳронага ҳам янги очилган соғломлаштириш масканига ҳордиқ чиқариши учун бепул йўлланма тақдим этилди.

– Мени ҳам оромгоҳнинг очилиш маросимида тақлиф этишди, – дейди Одинахон Шамсиддинова. – Шу жараёнда унда яратилган шарт-шароитлар билан таништиришди. Рост, уларни кўриб, ўзимни эртақлар

– Қишлоғимизда оромгоҳ очилганини айтиб, қариндошларимизга мақтаниб чиқдим, – деб суҳбатга қўшилади Дилфуза Мамажонова. – Кутубхонада мен ёқтирган китоблар кўп экан. Дам олиш муддати тугагунча уларни ўқиб тугатишга ҳаракат қиламан. Шунингдек, компьютер саводхонлиги ва расомчилик тўғрисида қатнашмоқчиман.

Кези келганда, эслатиб ўтиш жоизки, бугун мамлакатимизда ёшларга пухта таълим-тарбия бериш чора-тадбирлари янада кучайтирилмоқда. Ўзбекистоннинг баркамол авлоди вояга етказиш борасидаги тажрибаси халқаро экспертлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар эътиборини тортмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ўлароқ, болаларни сифатли дам олдириш ва соғломлаштириш таъминлашга ижтимоий шериклик асосида ёндашиш амалиёти юртимизда жорий этилган ноёб тизимлардан биридир. Аини йўналишдаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, охириги 5 йилда Федерация томонидан 8 та замонавий болалар оромгоҳи қурилди. Натижанда ҳар йили қўшимча 9 минг нафар болани соғломлаштириш имконияти яратилди.

Республикамизнинг энг сўлим гўшаларидан бири саналган Сўх туманида униб-ўсаётган болажон-



Сўз – тадбир иштирокчиларига



Акмал САЙДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик:

– Бугун Сўх тумани том маънода улкан ўзгаришларга юз тутмоқда. Бу ҳудудда одамларни рози қилиш, оилаларга фаровонлик олиб кириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида салмоқли ишларга қўл урилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистоннинг Фарғона ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари ўртасидаги чегара постлари фаолияти тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган Сўх – Риштон йўлининг очилгани одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилди. Чегаралар очилмасидан олдин эса улар вилоят марказида ёки қўшни туманларга бориб келишда қийинчиликларга дуч келишар эди. Жумладан, йўлнинг узоклиги, чегара ҳудудидаги расмийликлар кўп вақт бой берилишига сабаб бўларди. Бугун эса қиринчилик алоқалари сабаб бу янглиғ машаққатлар ортда қолди.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кўп-кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 2020 йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мўйноқ туманининг «Бозатау» ОФЙ ҳудудида барпо этилган «Оқ кема» номли замонавий болалар соғломлаштириш оромгоҳи касаба уюшмалари томонидан ўзига хос услубда бунёд этилган. Бугун эса Сўх туманида қурилиши ва архитектураси бўйича бетакрор кўринишига эга «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Сўлим табиат қўнида жойлашган бу гўшада яратилган шарт-шароитлардан кўнчил яйрайди. Шинам ётоқхона, мўғъаз кутубхона, тўғъарак хоналари, спорт майдончалари, компьютер хонаси, тоза-озода ошхона кишининг ҳавасини келтиради. Сўхликларни Президентнинг бугунги совғаси билан табриклайман!

Неъматзода МАЛИКШО,
Тожикистон мустақил касаба уюшмалари Федерацияси раиси:

– Ўзбекистон ҳар жиҳатдан жадал тараққий этиб бормоқда. Юртингизга қачон келмайин, ҳар сафар буюк ўзгаришларнинг кенг микёли бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлганман. Бугун эса Сўх туманида замонавий андозлар асосида қурилган болалар оромгоҳи фойдаланишга топшири-

лишида иштирок этяпман. Очигини айтсам, бундай замонавий оромгоҳлар ҳамма мамлакатда ҳам қурилавермайди. Ўзбекистонда эса уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Президентини ёш авлодга оталарча ғамхўрлик қилаётганидан далолат беради.



Минжожиддин ҲОЖИМАТОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор:

– Мафтункор табиати ва мусавффо ҳавоси билан машҳур Сўхда бугун яна бир катта тантана ва хурсандчилик. Негаки, бу ерда барча қўлайликларга эга замонавий «Сўх» болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди. У маҳаллий ўғил-қизлар учун ўзига хос бетакрор совға бўлди.

Дарвозадан оромгоҳга қадам қўяр экансиз, ичкаридаги муҳит ва манзара сизни ўзига ром этади. Сўлим табиат қўнида жойлашган оромгоҳда Сўхнинг бутун гў-

заллиги яққол намён бўлади. Чор тарафдаги яшил майсазор, манзарали дарахтлар, ранг-баранг очилган турфа гуллар унинг кўркига-кўрк қўшиб турибди. Ёш ўғил-қизларнинг юз-кўзларидаги қувонч кўриб, бир дам бўлса-да, болалик даврингизга соҳбат қиландек бўласиз. Ота-оналарнинг хурсандлигидан оромгоҳ сўхликларга манзур бўлганини илғаб оласиз. Бугунги қувончли кун нафақат сўхликлар, балки бутун фаронгликлар учун ҳам унутилмас дамлар бўлиб қолишига ишонаман.



560 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган бу масканда ёзги мавсум давомида 5 навбатда жами 1000 нафар ўғил-қиз дам олдирилади ва соғломлаштирилади. Шунинг ўзиёқ ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини исботловчи ёрқин далилдир.

Оромгоҳда ўғил-қизларимиз мириқиб ҳордиқ чиқаришларидан ташқари жисмонан чиниқилари, саломатликларини мустаҳкамлашлари, билимларини оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Барча хоналар энг замонавий мебеллар, маиший техникалар ва зарур анжомлар билан таъминланган.

– Бундан ташқари, – дейди оромгоҳ раҳбари Таваккал Эркаев, – бу ерда дам оладиган ёшлар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун махус хоналар, футбол, баскетбол, волейбол майдончалари, сузish бассейни бор, шунингдек, стол тенниси, шахмат-шашка ўйинлари учун ҳам алоҳида жойлар ажратилган. Маданий тадбирлар эса амфитеатр ва кутубхоналарда ўтказилади. Тиббиёт хоналари ва ошхоналар ҳам замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, оромгоҳ ишга тушиши натижасида 50 тага яқин янги иш ўрни яратилди.

адабиётнинг дурдона асарларини ўзида мужассам этган замонавий ахборот-ресурс маркази, хорижий таълим ва компьютер бўйича билимларни ошириш, расомлик, шахмат-шашка ва мусиқа билан шуғулланиш имконини берувчи тўғъарак хоналари, маънавий-маърифий ва маданий тадбирлар ўтказиладиган майдон, ярим очик амфитеатр, замонавий ётоқ бинолари, шийпон ва айвончалар, локувард фаввора, ювениш хоналари ва бошқа объектилар болажонлар ихтиёрига топширилди. Табиийки, қурилиш жараёнида оромгоҳда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилди.

– Шу пайтгача сўхлик ўғил-қизлар вилоятнинг бошқа ҳудудларидаги болалар оромгоҳларига олиб борилар эди, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сўх тумани кенгаши раиси Муҳаммаджон Суёнбоев. – Бу уларнинг хавфсизлиги, саломатлиги, ота-оналарнинг хавотирланиши билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқарарди. Ана шундай бир вазиятда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сўхда замонавий болалар оромгоҳи қурилиб, фойдаланишга топширилиши катта воқеа бўлди. Энди маҳаллий аҳоли фарзандлари ўзлари яшайдиган тумандаги замонавий оромгоҳда ҳордиқ чиқарадилар.



оламга тушиб қолгандек ҳис этдим. Ҳаммаси аъло даражада. Қордек оппоқ чойшаблару ёпинчиқлар, шинам ва ёруғ тўғъарак хоналари кишининг ҳавасини келтиради. Қизим шундай ажойиб масканда дам олаётганидан беҳад мамнунман. – Биринчи марта оромгоҳга келишим, – дейди 6-синф ўқувчиси Шарофиддин Ҳабибжонов. – Бу ердаги шароитлар менга жуда ёқди. Энди дўстларим билан футбол, шахмат-шашка ўйнаб, вақтимизни мазқарамиз.

лар учун барпо этилган оромгоҳга эса соғломлаштириш мавсумининг 1-навбатида дам олиш учун келган 200 нафар ўғил-қизнинг шўх-шодон кулгилари файз киритди. Янги оромгоҳнинг тантанали очилиш маросими санъат усталари ва болажонлар ижросидаги концерт дастурлари билан ниҳоясига етди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



ЭНГ ЯХШИЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВФАЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси бошчилигидаги Хотин-қизлар муаммоларини тизимли ҳал этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича республика комиссияси томонидан Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги 27 маҳалла, Фарғона туманидаги «Шоҳимардон» ва «Ёрдон» маҳаллалари ҳамда Риштон тумани «Чўнғара» маҳалласи масъуллари ўртасида «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши сектор раҳбари», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танлови эълон қилинган эди. Бу танлов аҳоли муаммоларини «хонадонбай» ва «фуқаробай» ўрганиш ва уларни ҳал этишга қўмаклашиш, «Аёллар дафтари» тизими самардорлигини таъминлаш ҳамда хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишда барчага намуна кўрсатган масъулларни муносиб рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.



Якуний натижаларга кўра, «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг яхши хотин-қизлар фаоли», «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танловларида 3-ўринни қўлга киритганларга диплом ва 20 миллион сўмдан пул мукофотлари, 2-ўринни эгаллаганларнинг ҳар бирига диплом ва 30 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди. 1-ўрин соҳибларига эса дипломдан ташқари, Президент совғаси сифатида энгил автомобиллар тантанали равишда топширилди. Жумладан, Сўх туманининг 2-сектор раҳбари Садирали

Мирзокаримов «Энг яхши сектор раҳбари» деб топилди «Жентра», шу тумандаги «Қалъача» МФЙ раиси Фаёзиддин Тожиддинов «Энг яхши маҳалла раиси» танловида 1-ўринни олгани учун «Нексия 3», «Равон» МФЙда ишлаётган Илхомжон Икромов «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» танловида 1-ўринни забт этгани сабабли «Кобальт», «Чумоқча» МФЙ ходимаси Наргиза Дадахонова «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танлови номинацияси бўйича ғолибликка эришгани эвазига «Спарк», «Шарқобод» МФЙ ёшлар етакчиси Шоҳжаҳон Раҳим-

бердиев «Энг яхши ёшлар етакчиси» танловида ғолибликни қўлга киритгани учун «Спарк» автомобили билан тақдирланди.

– Бугун ҳаётимда унутилмас кун, – дейди Садирали Мирзокаримов. – Сабаби, мана шундай нуфузли танловда ғолиб бўлдим. Камтарона меҳнатим Президентимиз томонидан юксак қадрланиб, «Жентра» автомобили билан мукофотландим. Бизнинг сектор ҳудудидаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинида 26 минг нафардан ортқ аҳоли яшади. Уларнинг ташвиши ва муаммоларини кабинетда ўтириб ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун одамлар билан учрашиш, юзма-юз суҳбатлашиб, ғам-ташвишларига шерик бўлиш керак. Шунинг учун ҳам мен хонада деярли ўтирмайман.

Асосий вақтим фуқароларни тинглаш ва муаммоларини ҳал этиш билан ўтади. Бу ерда ўзимни раҳбар эмас, оддий халқ хизматчиси сифатида кўраман. Юксак эътироф ва ютуқ эса мени янада шижоат кўрсатиб ишлашга чорлайди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Фарғона вилояти ҳокими Хайрулла Бозоров сўзга чиқиб, ғолибларни мукофотлар билан қутладилар.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



Мирғиёс Зоидов:

ЎЗГАРИШЛАРДАН ДИЛИМ ЯЙРАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИДА
КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАХРИЙСИ МИРҒИЁС ЗОИДОВ БИЛАН
УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбирда касабга уюшмалари фаоллари, Мирғиёс Зоидовнинг шогирдлари, зиёлилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Учрашувда сўзга чиққанлар Мирғиёс Зоидовнинг ибратли фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Қайд этилганидек, у киши илк фаолиятини мактаб мураббийлигидан бошлаган. Кейинчалик давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Футбол федерациясининг раиси вазифаларида фаолият юритган.

У Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси раиси лавозимида ишлаган даврда халқ хўжалиги соҳаларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнат

хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, ижтимоий таъминотни назоратга олиш, оромгоҳлар бунёд этилишида қатор ютуқларга эришилган. Мирғиёс Зоидовнинг ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч шаҳарларида меҳмонхоналар, стадионлар ва спорт иншоотлари бунёд этилган. Ишчи-ҳодимларнинг мазмунли дам олишлари учун ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

М.Зоидов иқтисод фанлари доктори, профессор. Олим қўллаб-қувватлаган доктори ва фан номзодларига илмий раҳбарлик қилган. Депутат сифатида жамоат ишларида фаол қатнашган.

Айни вақтда оила даврасида, эл ардоғида яшамокда. Яқинда устоз 92 ёшга қарши олди.

– Биз каби фахрийларга иззат-иқром кўрсатаётган мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Федерация раиси Қудратилла

Рафиқовдан чексиз миннатдорман, – дейди Мирғиёс Зоидов. – Бугунги ўзгаришларни кўриб, дилим яйрайди. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс ҳақида сўз бормокда. Бу – жуда катта иш, жуда катта ташаббус. Қолаверса, касабга уюшмаларининг мамлакатдаги ўзгаришларда ҳиссаси ошиб бормокда. Буни мен биргина «Аёллар дафтари» мисолида кўриб, тўқилганиб кетаман. Мана шу кунларда касабга уюшмалари ташаббуси билан қанчадан-қанча бунёдкорликлар бўлаётганини эшитяпмиз. Бугун касабга уюшмалари ҳақиқий халқ ташкилотига айланди. Мен бундан ниҳоятда хурсандман.

Учрашув якунида Мирғиёс Зоидовга Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони топширилди.

Шахло
АБДУРАҲМОНОВА,
«ISHONCH»



Тақдирлаш



Дил сўзлари



– Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида қилинган меҳнат ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслигига бугун яна бир бор амин бўлдим, – дейди «Энг яхши маҳалла раиси» танловида 1-ўринни эгаллаган Сўх тумани «Қалъача» МФЙ раиси Фаёзиддин Тожиддинов.

– Камтарона меҳнатларим юксак баҳоланиб, Президент совғаси сифатида «Нексия 3» автомашинаси билан тақдирландим. Ўзимга билдирилган ишончни оқлаш учун келгусида ҳам юртим ва маҳаллам учун сиқидилдан хизмат қиламан. Мудом эл-улус ташвиши билан яшашни, одамларнинг мушкулларини осон қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

– Қутилмаганда микрорфон орқали исм-шарифимни эълон қилишди, – дейди «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танловида 1-ўринни эгаллаган «Чумоқча» МФЙ ходимаси Наргиза Дадахонова. – Аввалга қўлоқларимга ишонмадим, балки менга шундай туюлаётгандир, деб иккиланиб қолдим.

Ён-атрофимдагилар қарсак чалиб, «Даврага чиқинг, сизни чақирिशаяпти», дейишиганди эса бир зум доғдираб, кўзларимга ёш қалқиди. Кейин ўзимни ўнглаб олиб, саҳна томон ошқидим...

Хуллас, каминга Президент совғаси сифатида ажратилган «Спарк» автомобилнинг калитини топширишди. Бу мукофот, аввало, юксак эътироф ва масъулият демакдир. У мени янада ишжоат кўрсатиб ишлашга ундайди.

Айни пайтда маҳалламизда 3071 нафар киши яшади. Шундан 1725 нафари хотин-қизлар. Уларнинг ўртасида тушунтириш ишларини олиб борганимиз боис эрта турмуш қуриш ва ажримларнинг олди олинаяпти. Қолаверса, ишсиз аёлларни касбга ўқатиб, иш билан таъминляпмиз. «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида унга 49 нафар хотин-қиз киритилди. Яқинда барчасига 1-ва 2-босқичда бўлгани каби манзилли ёрдамлар кўрсатилади.



– Озми-кўпми меҳнатларим муносиб баҳоланиб, юксак мукофотга лойиқ кўрилганидан бошим кўкка етди, – дейди «Энг яхши ёшлар етакчиси» танловида ғолибликни қўлга киритган «Шарқобод» МФЙ ёшлар етакчиси Шоҳжаҳон Раҳимбердиев. – Бундан кейин ҳам ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, бор куч-ғайратимни юртимиз тараққиёти йўлида сарфлайман.

Президент совғаси сифатида берилган «Спарк» автомобилдан кўз-кўз қилиб миниб юриши учун эмас, балки янадан самаралироқ меҳнат қилиш мақсадида фойдаланаман.



Барчамиз кўриб-билиб туриб-миз, сўнгги пайтларда мамлакатимиз росманасига қурилиш ва бунёдкорлик масканига айланди. Кунда-кунора юртимизнинг қайсидир ҳудудиде янги бино-иншоотлар, мактаб ёки болалар боғчалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари, оромгоҳу санаторийлар фойдаланишга топширилмоқда.

Бу жараёнда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Ушбу ташкилот ишчи-ҳодимлар саломатлигини муҳофиза қилиш, уларнинг ва оила аъзоларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида кўплаб хайрли ишларни бажариб келмоқда.

Ҳозир Федерация тасарруфиде 23 та санаторий ва битта дам олиш уйи бор.



Улар юртдошларимизга ҳамда чет эллик меҳмонларга хизмат қилмоқда.

Кунни кеча бундай масканлар сони яна биттага кўпайди. Аникроғи, Паркент туманида муҳташам «Заркент» санаторийси фойдаланишга топширилди.

Унинг тантанали очилиши маросимида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раисининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Тошкент вилояти ҳоқими Зоир Мирзаев, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси раиси Рустамбек Қурбонов, шунингдек, вазирилик ва идораларнинг масъул ходимлари, нуронийлар ва маҳалла фаоллари, устоз-мураббийлар ҳамда таниқли ижодкорлар иштирок этдилар.

Маросим аввалида Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳамда Тошкент вилояти ҳоқими Зоир Мирзаев санаторий боғига дарахт кўчатлари ўтказдилар.

Сўнгра Қудратилла Рафиқов сўзга чиқиб, барчани, хусусан, паркентликларни ушбу янги иншоот билан муबारакбод этди. Шу асно «Заркент» санаторийси директори Ақром Эргашева рамзий калит, «Ласетти» ҳамда «Дамас» автомашиналари калитларини топширди.

– Кўпчилигимиз дунёнинг турли мамлакатларидаги сиҳаттоҳларда бўлганимиз ва у ердаги шароитлар, тиббий жиҳозлар ва хизмат кўрсатиш сифатини кўриб, кўнглимиздан «Бизда ҳам шундай масканлар бўлармикин?» деган фикр ўтган ва буни орзу ҳам қилганмиз, – деди Қудратилла Рафиқов. – Мен бугун тўла ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатимиздаги санаторийлар эндиликда ўз рейтингини, даволаш процедуралари хилма-хиллигини, комплекс кулайликларини билан нафақат Марказий Осиёдаги, балки Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа хорижий мамлакатлардаги санаторийлар билан бемалол рақобатлаша оладиган даражага эришди. Натижада кейинги йилларда Ўзбекистон санаторийларига чет эллардан дам олиш учун келувчилар кескин равишда кўпайди. Бу, ўз ўрнида,

мамлакатимизимизи халқаро миқёсда ошишига хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, санаторийларга йўлланма нархи мамлакатимиз аҳли, ишчи-ҳодимлар, айниқса, касабаси уюшмалари аъзолари учун жуда қулай ва арзон. Инсон қадрини улуғлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган диёригимизда халқимизни, меҳнаткашларни рози қилиш борасида бунга ўхшаш талай имкониятлар яратилган.

Албатта, янгиланишлар ва бунёдкор-

далолат беради. Бинобарин, бугун бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари савобли ва хайрли ишларда касабаси уюшмаларидан ўрнак олса арзийди.

Пойтахтдан қарийб 60 километр узоқликда жойлашган ушбу янги санаторий Заркент қишлоғининг «Қўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидеги «Заркент бобо» ҳамда «Қуш кўнмас» номлари билан машҳур бўлган зиёратгоҳлар қошида барпо этилди. Жойлашув ҳудуди, иқлими, табиати шифобахш хусусиятларга эгаллигига кўра, «Заркент» санаторийси нафас йўллари ва асаб тизими касалликларини даволашга икътисослашган. Умумий майдони 2,8 гек-

тар бўлган бу муассаса саломатликни тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва унда даволаш-ташхислаш хоналари ташкил этилган. Дам олувчилар бу ерда физиотерапия, жисмоний тарбия, массаж, сув билан даволаш муолажалари, фитотерапия, лазерли терапия, психотерапия каби даво усулларида фойдаланишлари мумкин.

– Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, мана шундай беқиёс бунёдкорликларга рубаруб келасиз, – дейди Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир. – Айниқса, кўплаб ижодкорлар, олимлар,



ликлар ўз-ўзидан бўлаётгани ёки четдан келиб, биров қилиб бераётгани йўқ. Уларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида, у кишининг шахсан топшириқлари ва кўрсатмалари асосида амалга оширилмоқда.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саид, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожиматов, ушбу марказ ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор, сиёсатшунос Жамила Шермухамедова, шоира Сайёра Тўйчиева ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, «Инсон қадрини унун» деган бош тамойил асосида кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётганини фахр ва ифтихор билан эътироф этдилар.

– Касабаси уюшмалари, ҳақиқатан ҳам, бугун энг савобли ишларда бошқа ташкилотларга намуна бўлмоқда, – деди Тошкент вилояти ҳоқими Зоир Мирзаев. – Хусусан, у томонидан охириги йилларда меҳнаткашлар саломатлигини тиклаш мақсадида бунёд этилаётган сиҳаттоҳлар мазкур ташкилот нақадар халқпарвар тузилмага айланганидан



Бунёдкорлик

лар билан жиҳозланган. – Кўп йиллар касабаси уюшмалари тизимида фаолият юритдим. Аммо ўша кезлар бирон марта «Профсоюз санаторий, оромгоҳ қурибди», деган гапни эшитмадим. Имтиёзли йўлланма асосида ушбу санаторийга келиб, англадимки, мен билган аввалги касабаси уюшмалари билан ҳозиргисининг орасида ер билан осмонча фарқ бор экан, – дейди меҳнат фахрийси Тошпўлат Худойбердиев.

Янги сиҳаттоҳ ҳудудиде ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилиб, илҳам гулзор барпо этилди. Санаторийнинг ишга туширилиши юзга яқин янги иш ўрни яратилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Қурилиш ишларини олиб бориш, канализация тармоқларини тортиш, иситиш тизимларини ўрнатиш, сув минораси қуриш, тиббий жиҳозлар ва қаттиқ инвентарларни харид қилиш учун Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан 50 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

– Мен бир умр қурувчилик қилдим, – дейди Жиззах вилоятининг Бахмал туманидан келган меҳнат фахрийси Қосим Шодмонов. – Шу боис яхши билманки, тоғ ёнбағрида бундай муҳташам иншоот бунёд этишнинг ўзи бўл-



давлат арбоблари туғилиб ўсган Паркентда бундай гўзал масканнинг қад ростлаши ниҳоятда катта шодиена бўлди. Илоҳим, келгусида ҳам табиати гўзал ва об-ҳавоси тоза Паркент туманида кўплаб шунча сиҳаттоҳлар қуриلسин.

150 ўринга эга тўрт қаватли мажмуада барча қулайликлар бир жойнинг ўзиде, яхлит ҳолда ташкил этилган. Яъни, ётоқхона, даволаш бўлими, ошхона, клуб, кутубхона, маъмурий бўлим, лаборатория ва бошқа хизматлар битта бинода жойлашган. Барча хоналар энг замонавий мебель ва анжом-

майдиде. Лекин инсоннинг қўли гул, астойдил ҳаракат қилса, чўлни ҳам бўстонга айлантиради. Бунинг исботини мана шу сиҳаттоҳ тизимида кўриб турибмиз. Бу ерга келган илк кунимданок ўзимни бошқача ҳис эта бошладим. Таърифлашганича бор экан. Айниқса, тоза ҳавоси дилни яйратади. Бизга шундай шароитлар яратиш берган мутасаддиларга катта раҳмат!

– Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг «Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар», деган пурмаъно ҳикмати бор. Шубҳасиз, у пурвиқор тоғлар бағрида мана шундай ҳашаматли биноларни бунёд этган одил кишиларга аталган. Мамлакат равнақи, фуқаролар фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган раҳбарлар кўпайсин, – дейди яна бир меҳнат фахрийси Саиджон Ашуров.

Маросим чоғи қурилиш жараёнида фидойилик кўрсатган бир гуруҳ қурувчилар меҳнати эътирофи этилиб, уларга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан зарбоф тўнлар кийдирилди.

Тадбирга санъат усталари дилрабо куй-қўшиқлар билан янада файз киритдилар.

Ғулломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»





ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси
Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратулла Рафиқов олиб борган мажлисда раис ўринбосарлари, Федерациянинг ҳудудий кенгашлари раислари, тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари раислари, Федерация тасарруфидagi ташкилотлар раҳбарлари ҳамда марказий аппаратнинг бўлим мудирилари иштирок этди.

Коронавирус пандемиясини боис, қарийб 2 йилдан буён Федерациянинг барча йиғилишлари видеоконференцада тизими орқали ўтказиб келинаётган бўлса-да, кун тартибидан 11 та масала ўрин олган бу сафарги мажлис юзма-юз мулоқот шаклида, қизғин муҳокама ва таҳлилларга бой кечди.

Мажлисда кўриб чиқилган дастлабки масала Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VIII Курултойи қарорлари ижроси юзасидан Авиация ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ва Федерациянинг Навоий вилояти кенгаши томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида бўлди.

Бу борада масъулларнинг ҳисоботи тингланди ҳамда ютуқ ва камчиликлар атрофича муҳокама қилинди.

Самарқанд ва Тошкент вилоятларидаги касба уюшмалари ташкилотларида 2020-2021 йилларда касба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджетлари маблағларидан мақсадли фойдаланишни ўрганиш натижалари тўғрисидаги масала танқидий рўҳда кўриб чиқилди. Ҳар бир ҳудудий кенгаш, Республика кенгаши раисига тафтиш комиссиялари ишини жонлантириш, бошланғич, туман, вилоят ташкилотларида молиявий масалаларни қаттиқ назорат остига олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жамоа шартномаларининг 2021 йилда ба-жариллиши юзасидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотларда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масала ҳам таҳлилий муҳокама қилинди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала – 2022 йил 1 январь ҳолатига бошланғич касба уюшмалари ташкилотларини инвентаризациядан ўтказиш якунлари бўйича сўзга чиққанлар бугунги кунда аъзолар сонини ошириш орқали касба уюшмаларини ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақамлаш энг муҳим вазифалардан бири эканини алоҳида таъкидлади.

Таҳлилларга кўра, фаолият юритаётган 445 мингдан зиёд юридик шахннинг атиги 111 мингтада касба уюшма ташкилоти тузилгани, 334 мингта эса касба уюшмаларига жалб этилмагани аниқланди. Яъни, бугунги кунда республикадаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг 25 фоизидagina касба уюшмаси ташкилотлари тузилган, холос.

Агар ҳудудлар кесимида олинса, бу кўрсаткич Навоий вилоятида 17,3 фоиз, Тошкент вилоятида 13,6 фоиз, Тошкент шаҳрида 4 фоизни ташкил қилмоқда. Тўғри, касба уюшмаларига жалб қилинмаган корхона, ташкилотларнинг аксариятида ишловчилар сони 2-3 кишини ташкил қилади, лекин ходимлар сони 20 нафардан ортиқ бўлганлари ҳам кўп. Шу билан бирга, бугунги кунда ишловчилари 20 нафардан ортиқ бўлган қарийб 11 мингта корхона, ташкилотда меҳнат қилаётган 721 мингдан зиёд ходим касба уюшмаларига жалб этилмаган. Бу жуда катта имконият, катта резерв. Агар бунга ишловчилар сони 10 нафардан 20 нафаргача бўлган корхона, ташкилотлар ҳам қўшилса, имкониятлар янада ортади.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳамма гап шу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ. Зеро, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратиляпти. Йирик-йирик соҳалар, корхоналарда давлат улуши хусусий секторга берилмоқда. Ҳар йили минглаб кичик бизнес субъектлари ташкил этилмоқда. Лекин уларнинг бирортасида касба уюшмаси ташкилоти ўз-ўзидан тузилиб қолмайди. Бунинг учун ишчи-хизматчиларга касба уюшмасига аъзолик нима беришини ту-

шунтириш керак. Минг афсуски, айнан шу йўналишдаги ишлар етарли даражада олиб бориляпти. Айниқса, 3-4 та тармоқ касба уюшмалари тизимида бошланғич ташкилотлар ва аъзолар сони кескин камайиб кетган. Жумладан, 2017-2021 йиллар давомида Агроекономика мажмуи ходимлари касба уюшмаси тизимида аъзолар сони 23 фоизга камайиб, 22 мингдан 17 минг кишига тушиб қолган.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация, Таълим ва фан, Олмалиқ конметаллургия комбинати, Кимё ва фармацевтика, соғлиқни сақлаш тармоқларида аъзолар сони ўсди. Ҳудудлар кесимида оладиган бўлса, 2017-2021 йилларда Тошкент шаҳри ва Жиз-

кўра, болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш бўйича янги тизим жорий этилади. Хусусан, барча стационар типдаги оромгоҳлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси балансига ўтказилади. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, ривожлантириш ва назорат қилиш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасарруфида Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш департаменти ташкил этилади. Бу ишларни амалга ошириш учун алоҳида Президент қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Мажлисда кўриб чиқилган кейинги масала – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунига бағишланган тадбирларни ташкил қилиш тўғрисида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартишлар киритиш юзасидан тақлифларни тайёрлаш, тарғибот ишларини ташкил қилишда касба уюшмаларининг иштироки тўғрисидаги масала ҳам атрофича кўриб чиқилди.

Мажлисда касба уюшмалари Федерацияси ҳам республикадаги энг оммавий жамоат ташкилоти сифатида жараёнда фаол иштирок этиши кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда «Аёллар дафтари» ва кооперация усулидаги тадбиркорлик лойиҳаларини янги тушириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг 4 апрель кунини Хотин-қизлар муаммоларини тизимли



Спикер Абдурахмонов олган сўзлар

зах вилоятдан ташқари барча ҳудудларда бошланғич ташкилотларнинг ҳам, аъзолар сонининг ҳам камайганини кўриш мумкин.

Бу борадаги ишлар танқидий кўриб чиқилиб, мазкур ҳолатлардан етарли хулоса чиқариш зарурлиги қайд этилди. 2022 йилда Республика кенгашлари, Федерациянинг ҳудудий Кенгашлари иш режаларида ушбу масала энг асосий ўринини эгаллаши лозимлиги ўқтирилди.

Тадбирда 2022 йил ёз мавсумида болаларни оромгоҳларда соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги масалага ҳам жиддий эътибор қаратилди. Бу йилги ҳисоб-китоблар бўйича ёз мавсуми давомида жами 1 минг 131 та оромгоҳда 297 минг 441 нафар (шундан, 205 та стационар турдаги оромгоҳда 148 минг 651 нафар ва 926 та соғломлаштириш майдончаларида 148 минг 709 нафар) болани соғломлаштириш назарда тутилган.

Бир қарашда бу рақамлар жуда катта кўринади. Аммо бу йил 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар сони 4 миллиондан зиёдни ташкил этмоқда, уларнинг бор-йўғи 297 минг 411 нафарини, яъни умумий ҳисобда 6,8 фоизини стационар оромгоҳлар ва соғломлаштириш майдончаларида дам олдириш имконияти мавжуд. Стационар оромгоҳларнинг ўзида эса атиги 3,4 фоиз болани соғломлаштириш имконияти борлигини кўриш мумкин.

Президентимизнинг топшириқларига

Жаҳонгир НАҲАҶОНОВ,
«ISHONCH»



Танишув

ЎТМИШ ВА БУГУН КЎЗГЎСИ

Касба уюшмалари фаоллари
Ўзбекистон касба уюшмалари тарихи
музейи фаолияти билан танишдилар



Музей раҳбари Ирисмуҳаммад Абдукаримов меҳмонларга музей ва ундаги экспонатлар ҳақида сўзлаб берди.

Таъкидлаш жоизки, ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган бўлса-да, музей доимий изланишлар натижасида янги ашёлар, материаллар ва маълумотлар билан бойиб бормоқда. Буни ҳар бир ташриф чоғида сезиш ва кузатиш мумкин.

Ўтган қисқа даврда бўлиб ўтган 6 та қурултой, касба уюшмалари раислари ва улар томонидан амалга оширилган ислохотлар ёри-тиб берилган материаллар қаторида касба уюшмалари нашрлари: «Касбачилик ҳаракати», «Ишчи», «Ўзбекистонская правда», «Профессиональный Гудок», «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг илк сонлари акс эттирилган фотоҳужжатлар ҳам меҳмонлар эътиборини тортиди.

1905-1924 йилларни ўз ичига қамраб олган биринчи бўлимдаги Туркистон ўлкасидаги илк касба уюшмалари, уюшмалараро Тошкент шаҳар бюросининг тузилиши ва биринчи ўлка қурултойлари, касба уюшмалари томонидан ўтказилган дастлабки шанбаликлар, янги иқтисодий сиёсат даврида касба уюшмаларининг фаолияти ҳақидаги маълумотлар, жадидлар ҳаракатининг етук намояндalarидан бири Абдулла Авлонийнинг касба уюшмаларидаги фаолиятига тааллуқли материаллар қаторига инқилобга қадар Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва саноат ҳолатини кўрсатувчи фотослайдлар ва фильмлар қўшилди. Шунингдек, махфийлиги бекор қилинган 1902-1905 йилларга оид, юз йилдан ортиқ тарихга эга, ишчи ва зиёлиларнинг яширин ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар илк бор кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Музейнинг иккинчи, яъни Ўзбекистон касба уюшмаларининг социалистик тузум давридаги (1925-1991 йиллар) фаолиятини акс эттирувчи бўлимдаги халқ ҳўжалигини ривожлантиришдаги касба уюшмалари фаолияти, қатағон қурбонлари бўлган касба уюшма фаоллари, Ўзбекистон халқи, касба уюшмаларининг фашизмни енгишга қўшган ҳиссаси, урушдан кейинги тикланиш, Ўзбекистон касба уюшмалари Республика ташкилотининг қайта ташкил этилиши ва унинг биринчи конференциялари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар, янги фотосуратлар асосида тайёрланган фотослайдлар ва ҳужжатли телефильмлар билан бойитилди. Уларда касба уюшмалари ҳаётининг турли жаҳалари акс эттирилган. Айниқса, Ўзбекистон касба уюшмалари ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан 1975 йилда яратилган, касба уюшмалари фаолиятига оид кўплаб тарихий фактлар, тарихий шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус

телефильм музейга ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

1991-2015 йилларни қамраб олган учинчи бўлимдаги Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг эълон қилиниши, «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, касба уюшмаларининг мустақиллигининг дастлабки 15 йилдаги фаолияти, бу даврда бўлиб ўтган 6 та қурултой, касба уюшмалари раислари ва улар томонидан амалга оширилган ислохотлар ёри-тиб берилган материаллар қаторида касба уюшмалари нашрлари: «Касбачилик ҳаракати», «Ишчи», «Ўзбекистонская правда», «Профессиональный Гудок», «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг илк сонлари акс эттирилган фотоҳужжатлар ҳам меҳмонлар эътиборини тортиди.

Тўртинчи, яъни «Янги Ўзбекистон – янги касба уюшмалари» деб номланган бўлимдаги «Касба уюшмалари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон касба уюшмалари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунлар, «Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарори, шунингдек, 2020 йилда Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув каби материаллар қаторига давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VIII Курултойи ва Касба уюшмалари кунининг 1 йиллиги муносабати билан касба уюшмалари ходимлари ва фаолларига юборган табрикларни, Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари кенгаши ташкил этилиши, «Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси лауреати» нишонини таъсис этилиши ва Федерация томонидан ўтказилаётган турли танловлар ҳақидаги маълумотлар ёзма ва электрон шаклда жойлаштирилган.

Меҳмонлар музей фаолияти билан танишиб бўлишга, музейни янада бойитиш борасида қисқача мулоқот бўлиб, ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.

– Биз касба уюшмаларига оид узоқ йиллик тарихни тиклашимиз, қизиқарли маълумот ва манбааларни янада кўпроқ топиб, уларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишимиз керак, – деди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов. – Насиб қилса, касба уюшмаларининг 120 йиллигига олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда китоб чиқарамиз.

– Мен музей очилганда ҳам келган ва бу ердаги қизиқарли маълумотлар, экспонатлар билан танишган эдим, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши раҳбари Нусратилло Пардаев. – Музей фаолияти билан танишиб, шунга гувоҳ бўлдимки, музейнинг ҳар бир бўлими янги материаллар билан бойитилибди. Бу изланиш ва интилишдан дарак, албатта. Аминманки, музей нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик меҳмонларда ҳам катта таассурот қолдиради.

Ҳа, касба уюшмалари тарихи ва бугундан сўзловчи музей ҳамма учун ҳаммаша қизиқарли бўлиши, шубҳасиз. Чунки бунга асослар етарли!

Алижон
АБДУРАҲМОНОВ,
«ISHONCH»





Қорақалпоғистон Республикаси

Ишчи гуруҳ фаолияти

КООПЕРАЦИЯ қишлоқ аёлларига жуда қўл келяпти

Пайриқ туманида кооператив корхоналар ташкил этиш режаси ишлаб чиқилганди. Ўтган фурсатда эълон қилинган лойиҳаларга қизиқиш кўп бўлди.

Хусусан, «Челак томорқа хизмати» МЧЖ томонидан тақдим этилган лойиҳа ишчи гуруҳни қизиқтириб қўйди. Корхона раҳбари Анвар Омонов ўз маблағи ҳисобига майизни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш истиғи билан чиққан экан.

– Худудда офтоб ва сояда курилган майиз маҳсулоти кўп. Аммо уни қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар саноқли, – дейди тадбиркор. – Бу ишга 500 миллион сўмлик сармоя киритдик. «Уймурут» ва «Тараққиёт» маҳаллалари худудидидаги 85 та хонадонни шу юмушга жалб этганмиз.

Керакли технология ва иш шариоити яратилган, 30 нафар хотин-қиз майизни қайта ишлаш цехига ишга жалб этилди. 40 та оила вакиллари эса касаначилик асосида майизни саралаш ишлари билан шуғулланыпти.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – дейди Анвар Омонов. – «Уймурут» маҳалласида 350 дан орტიқ хонадонда майизбоп узум етиштиришга кўмаклашиб, оилавий касаначилик фаолиятини кенгайтиришни режа қилияпти. Бугун ана шу йўналишдаги лойиҳаларимизни «Асака банк»нинг вилоят филиалига тақдим этдик.

Дастлабки қадамлар чакки эмас. Кооператив корхонада қайта ишлашни, қадоқланган маҳсулотлар хоржга экспорт қилина бошланди.

Тадбиркор Дилфуза Зиё-

това ҳам ўзи бошқариб келатган «Farizbek omad servis» оилавий корхонасини кооперация асосида кенгайтирди. Унинг лойиҳаси 600 миллион сўм ўз маблағи, 1,5 миллиард сўм банк кредитига асосланади.

– Айни чоғда «Уймурут» ва «Баҳрин» маҳаллаларидаги 30 нафар хотин-қизнинг хонадонидида тикувчилик цехларини ташкил қилдик, – дейди Дилфуза Зиётова. – Улар тикув дастгоҳлари ва хомашё (газмалалар) билан тўлиқ таъминланган. Тикувчиларга андозалар берилиб, тайёр маҳсулотлар қабул қилиб олинган.

– Уйдан бир қадам жилмасдан даромад топаётганимиздан жуда мамнунмиз, – дейди «Баҳрин» маҳалласида яшовчи Шаҳноза Тўхтамуродова. – Даромадимиз яхши. Энг муҳими, уйдамыз. Рўзгор юмушларини бемалол бажариш, томорқага қараш, чорва парварлишига етарли вақт бор. Кооперация қишлоқ аёлларига жуда қўл келяпти.

Тумanning энг чекка худуди – «Деҳқонobod» маҳалласи аҳли ҳам ўз томорқасида ток ўстириб, майиз етиштиради. Сара ҳосилининг бозори чаққон. Аммо паст навлиги сохиборларни ҳаммаша ташвишга солиб келган. Харидори кам маҳсулотга эндиликда талабгор бор. Бу тадбиркор Саъдулло Дўсмадов томонидан ташкил этилган «Файзулло бобо савдо сервис» оилавий кооператив корхонаси бўлди. Тадбиркор ўз қисбидан 800 миллион сўм маблағ киритиб, фаолиятини йўлга қўйди. Тижорий лойиҳада 2 миллиард сўмлик банк кре-

дитини киритиш ҳам кўзда тутилмоқда. Шу чоққача Халқ банки лойиҳа доирасида 380 миллион сўм ажратиб берди. Айни пайтда 85 та оила вакиллари касаначилик асосида майиз маҳсулотларини тозалаш, саралаш ва қадоқлаш билан банд бўлмоқда.

– Бу йил боғбонларимиз майиздан ҳар йилгидан кўпроқ ҳосил олиш имконига эга бўлиб туришибди, – дейди Саъдулло Дўсмадов. – Банк кредитларини эртароқ қўлга киритсак, усуналар харид қилиш режамиз бор. Айни чоғда, худуддаги яна 200 та оила билан касаначилик асосида ишлашга келишиб қўйганмиз.

Ғанишер Жабборов раҳбарлик қилаётган кооператив корхона паррандачиликка ихтисослашган лойиҳалар ижроси юзасидан изланишлар олиб бормоқда.

– Тадбиркорлар томонидан тижорат банклари билдирилётган бир қатор таклифлар бор. Бу ҳақда ўйлаб қўриш керакка ўхшайди, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Самарқанд вилояти кенгаши раиси Сирожидин Иззатуллаев. – Жумладан, банклар томонидан ажратиладиган кредитлар фоизини 14 дан 10 фоизга пасайтириш, имтиёзли кредит даврийлигини 18 ойдан 36 ойга узайтиришни сўрашапти. Бу масалани банк тизими мутасаддилари бир ўйлаб кўришса, яхши бўлар эди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Хунардан унар

Чимбой туманида республика ишчи гуруҳи хунармандчилик ва тикувчилик йўналишида иш фаолиятини бошлаган тадбиркорлар билан учрашиб, соҳани ривожлантириш бўйича таклиф ва кўрсатмалар берди.

2022 йилда Чимбойда кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш бўйича 5 та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан, «Қара кол» МФЙ худудидида «Ата журт шеберлери» ишлаб чиқариш корхонасининг тикувчилик цехи иш бошлаши режалаштирилган. Лойиҳа ишга тушиши билан 30 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳани молиялаштириш манбаси 81 миллион сўмни ташкил этади. Шунингдек, «Дўстлик» МФЙда ҳам 81 миллион сўмлик маблағ эвазига «Shimbay sheberleri» ИЧК тикувчилик цехи ўз фаолиятини бошлаш араксидида. Бу ерда ҳам 30 та янги иш ўрни яратилиб, худудда яшовчи хотин-қизлар бандлиги таъминланади.

«Шахтемир» МФЙда 32,4 миллион сўмга молиялаштирилган, 12 та янги иш ўрни яратиши кўзда тутилган «Usta onerment» корхонаси ташкил қилиниб, қорақалпоқ ўтови ва бешиклар ишлаб чиқариш ре-

жалаштирилган. Ушбу маҳалладаги «Ernazar onerment» корхонасида ҳам хунармандчилик асосида кооперация ташкил қилиш ва 10 та иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

«Жилпек жолы» МФЙда жойлашган «AIYSHA-AIDA» корхонада эса қиймати 32,4 миллион сўм бўлган лойиҳа асосида 12 нафар фуқаро иш билан таъминади.

– Чимбой азалдан хунармандлар юрти ҳисобланади. Ташкил қилинаётган кооперация усулидаги тадбиркорлик фаолияти бир томондан ота-боболаримиздан қолган бой меросни тарғиб қилиш ва давом эттириш ҳисобланади, – дейди туманга бириктирилган вакил Еркин Утепбергенов.

Хуллас, Чимбойда хунармандчилик ва тикувчилик асосида ишга тушаётган лойиҳалар эвазига шу йилнинг ўзида 94 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Есимхон ҚАНОАТОВ,
«ISHONCH»

Бухоро вилояти

Орзул Сайфуллоева Пешку туманида истиқомат қилади. Опа эллик ёшдан ошган бўлса-да, Бухордан четга чиқмаган эди. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг тўрт нафар фарзанди тарбияси ва рўзгор юкини ўз елкасига ортмоқлаганча, болам-чақам, уйим-жойим, деб умри сувдай оқиб ўтаётганини ҳам, ўзи учун вақт ажрата олмаётганини ҳам бир зум хаёлига келтирмаган.

«Бу бахт менга ҳам насиб этди!»

Яқинда Самарқанд шаҳрига қилинган саёхат унинг ҳаётидаги унутилмас воқеалардан бирига айланди. Орзул опа «Аёллар дафтери» сабаб бу саёхатни амалга оширди.

– Кўшнларим бошқа шаҳарларда, санаторийларда саёхат қилиб, дам олиб қайтганини эшитсам, ҳавасим келарди, – дейди Орзул опа. – Бугун менга ҳам ана шундай бахт насиб қилди. Ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман.

Пешку туманида 2610 нафар эҳтиёжман аёл «Аёллар дафтери» рўйхатига киритилган. Ўтган даврда уларнинг муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 661 нафар аёлга 713 миллион 880 минг сўмлик бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, уларни босқичма-босқич қуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, амбулатор, стационар даво-

лаш ҳамда бепул дори-дармон билан таъминлаш бораосидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Қолаверса, рўйхатдаги хотин-қизларнинг мароқли дам олишларига кўмаклашиш мақсадида чора-тадбирлар режаси белгиланган бўлиб, шу кунга қадар «Аёллар дафтери»га киритилган 100 нафар хотин-қиз Самарқандга, 50 нафари Шаҳрисабзга саёхатга юборилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА



Миннатдорлик

«Ishonch»га жавоб берадилар



«Ishonch» газетасининг шу йил 23 апрелдаги сонидида чоп этилган «Муаммога ечим борми?» сарлавҳали мақолага Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қўйидагича муносабат билдирди:

МУАММОГА ЕЧИМ БОР, ФАҚАТ...

Давлат корхона ва ташкилотларида ойлик иш ҳақи ягона тариф сеткасига мувофиқ тайинланади. Хусусий корхона ва ташкилотнинг раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Агар корхона ва ташкилотлар томонидан белгиланган иш ҳақи Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақидан кам белгиланса, меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан тегишли тартибда чора қўрилади.

Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрда «Меҳнат оранларидида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 831-сонли низома асосан маҳаллий меҳнат органига мувофиқ қилан фуқароларни ишсиз деб эътироф этиш мақсадида махсус комиссия қарори қабул қилинган. Аммо мазкур низоми ҳозирги кунда ўз кучини йўқотганини сабабли маҳаллий меҳнат органига мувофиқ қилан шахсларга ишсизлик нафақаси Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги ЎРК-642-сонли қонунига мувофиқ тайинланади.

Мазкур қонунга асосан маҳаллий меҳнат органи томонидан иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичидида мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, шахсини ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади.

Шунингдек, ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат оранчининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ушбу буйруқ бир вақтнинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси
М.Мирзаева

Мулоҳаза

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ОВҚАТЛАНИШ ОДОБДАНМИ?

Ўша кунни ўзим ўқийдиган университетдан чиқиб, Қибрай туманида яшовчи тоғамникига бораётгандим. Автобус бирмунча тиқилинч, устига-устак, ҳаво анча иссиқ эди. Кўп ўтмай ўртарақдаги ўриндиқда ёнма-ён ўтирган 18-20 ёшлар чамасидаги икки қиз тортиди. Уларнинг бир қўлида мобил телефон, иккинчисидида музқаймоқ бор эди. Иккиси ҳам музқаймоқни иштиёқ билан ялаганча, телефонда нималарнидир томоша қилиб кетаётганди. Шундоққина ёнида тик турган катта ёшларини эса гўёки кўрмас эдилар.



Бир маҳал автобус бехосдан қаттиқ силкинди. Оқибатда кўпчилик қатори ойна тарафда ўтирган қиз ҳам гавдасини тутолмай, беҳотиёр олдинга сурилди. Шу лаҳза унинг қўлидаги эрий бошлаган музқаймоқнинг бир қисми олдинги қаторда ўтирган отахоннинг елкасига сачради, қолгани вафлини идиши билан пастга тушди. Бундан ранжиган қиз афтини буриштирди. Кейин энгашиб, музқаймоқни оёғи остидан олди-да, очиқ дарчадан ташқарига улоқтирди. Яна жойига ўтиргач, телефонини титкилашда бамайлихотир давом этди. Мени ҳайратлантирган, у кўйлагининг ифлосланган жойини дастурмолчаси билан артаётиб, жаҳл аралаш ўзига қараб қўйган отахондан лоақал бир оғиз узр сўрамади. Ўзини туттиши ва юз-кўзларидан «Музқаймоқнинг устки қисми

аслида нон эди-ку!» деб ачинмагани ҳам, «Уни кўчага отиб юборганимда бирорта одамга ёки машинага тегиб, ҳаракатланишига ҳалақат бермадимкин?» деган хаёлга бориб, хавотирга тушмагани ҳам сезилиб турарди.

Яширишининг ҳожати йўқ, бундай нохуш ҳолатларга кўча-кўйларда ва жамоат транспортида тез-тез дуч келамиз. Узоқ масофаларга қатновчи автобус, поезд ва самолётларда йўл-йўлак оёқ овқатланиш мумкинлигини тушунасан бўлади. Қолаверса, уларда бунинг учун зарур шариот ҳам яратилган, яъни, йўловчилар овқатини олдига қўйиб, бемалол истеъмол қиладиган стол ёки мослама бор. Одамлар қисқа фурсатда кўзлаган манзилга етатиш, бозор-учарга, ишга ёки ўқишга бориб келадиган шаҳар ва туманлар ичидида қатновчи транспорт воситалари-

да-чи?. Уларда бунга эҳтиёж ҳам, имкон ҳам йўқ. Чунки аксарият миқозлар автоуловлар хизматидан 10-15 дақиқа, нари бурса, 40-50 дақиқа фойдаланишади. Демакки, очликка чидасалар ёки ўзлари ёқтирган егуликларни уйи ёки ишхоналарига бориб, жуда бўлмаганда, бирор тамаддиҳонага кириб ёхуд кўздан холи жойда ўтириб тановул қилсалар, асакалари кетмайди.

Афсуски, баъзи кишилар бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришмайди. Транспортда кетаётганида йўл-йўлак оёқ овқатланиб, ўзгалар ҳафсаласини пир қилишади. Буям етмагандай, ўша таом ёки ичимлик идишини салонда қолдириб кетишади ёки ҳеч нарсадан тап тормай, ташқарига улоқтиришади. Айрим оналар эса хархаша қилаётган боласини юпатиш учун унинг оёғига сўргич солиб, ёши сал каттароқ бўлса, қўлига музқаймоқ, конфет ёки бирон-бир ширинлик тутқазиб қўйишади.

Холбуки, кўпинча одам тирбанд бўладиган жамоат транспортида турли егуликлар ёки ичкиликлар тановул қилиш миллий одоб-ахлоқимиз тартиб-қоидаларига ҳам, санитария-гигиена талабларига ҳам тўғри келмайди.

Буни ҳаммамиз жуда яхши биламиз, бироқ қатъий амал қилмаймиз. Таъбир жози бўлса, ўғил-қизларимизнинг эҳтиёжи учун зарур пулни берамиз, лекин жамоат жойларига, хусусан, транспорт воситасида уларини қандай туттишлари, қаерда ва қандай овқатланишлари жоизлиги ҳақида тайинли маслаҳат бермаймиз. Аксарият ҳайдовчилару паттачилар ҳам йўловчиларга кира ҳақини вақтида тўлашни бот-бот эслатишади-ю, уларни автобус салоинида тозаланиш сақлашга, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишига ундашни негадир унутиб қўйишади.

Хўш, сиз нима дейсиз? Автобусда музқаймоқ ёки сомса еб кетаётган қапкатта одамларни кўрганингизда кайфиятингиз бузилмайди? Бузилса, бу ҳолатга индамай қараб тура оласизми? Мен эса жим туролмайман. Уларга жамоат транспортида юришининг ҳам ўзга ҳолатида-қоидалари борлигини, жумладан, унда ҳаммамнинг кўз ўнгидида овқатланиш одобдан эмаслигини яна бир бор эслатиб қўйгим келади.

Садоқат АБДУВАЙТОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Эълонлар

Янгийўл туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Аминбоева Юлдузхон Фаридади қизи номига берилган УМ № 062743-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 44-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2019 йилда Суванов Илҳомбек Рустам ўғли номига берилган УМ № 0199599-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 20-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2001 йилда Коджамаев Баҳоуддин Муҳаммаджонович номига берилган О'Р-А № 1143199-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти, Чиноз туманидаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2020 йилда Ахмедова Диёра Ифром қизи номига берилган УМ № 0622980-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Hamkor Sug'itov» AJKKning HSL 20247, HSL 14324, HS 072048, HS 092053-сонли жами 4 дона сугурта полислари йўқолгани сабабли бекор қилинади ва ушбу полислар доирасида юзга келадиган сугурта довалари бўйича жамият мажбурият олиб бормайди.

Тошкент шаҳри, Микробод туманидаги 93-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1982 йилда Латипова Мураббат Худайбердиевна номига берилган УМ № 0622980-рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент Федерация ва картография касб-хунар коллежи томонидан 2013 йилда Яраев Жўрабек Худайберди ўғли номига берилган К № 3154266-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши жамоаси кенгаши ҳисобчиси Абдутолиб Нуралиева отаси **ФАЙЗУЛЛА БОБОНИНГ** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек белбоғли кураши – миллат ифтихори



Суҳбат

Ўзбек курашининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. Асрлар оша қанчадан-қанча полвонлар эл-юрт довуғини дунёга таратган. Бу ўринда 1247-1326 йилларда яшаб ўтган хивалик шоир ва мутафаккир, Эрон ва Ҳиндистонда донг таратган полвон Паҳлавон Маҳмудни эслашнинг ўзи қифоя. Энг муҳими, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кураш ҳозиргача халқ орасида юксак даражада қадрланади. Чунки у билан шуғулланган ёшлар жисмонан соғлом-бақувват, иродали, эччил, мард ва жасур бўлиб вояга етадилар. Қолаверса, барчасининг руҳи тетик, зеҳни ўткир, ақли расо бўлади.

Масаллага шу жиҳатдан ёндашганда, курашнинг белбоғли тури ҳам миллий қадриятларимиздан бири саналади. Биз шунинг назарда тутиб, Ўзбекистон белбоғли кураш федерацияси раиси ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, мамлакат ва жаҳон чемпиони, қатор халқаро турнирлар ғолиби **Аъзамжон ШОКИРЖОНОВ** билан спортнинг, жумладан, курашнинг ёш авлодни тарбиялашдаги ўрни ҳақида суҳбатлашдик.



– Аъзамжон ака, хабарингиз бор, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегиясида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланган аҳоли сонини 33 фоизга етказиш вазифаси белгиланган. Бунда белбоғли кураши аҳоли ўртасида янада кенгроқ тарғиб қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкинми?

кин булар унинг тарбиясида нечоғли ўрин тутди?..

– Ёки айталик, интернетга қизиқувчи дилбандингиз ундан билимини бойитиш, ақлини чархлаш йўлида фойдаланса-ку, хўп-хўп, лекин тайини йўқ ва узлуксиз давом этадиган эҳтиросли ўйинларга, бадийи ва ғоявий савияси паст, кишини боши берк кўчага бошловчи томошаларга ружу қўйса-чи?.. Менимча, бунинг оқибати қандай яқун топишини кўпчилик ота-оналар жуда яхши билишади. Бас, шундай экан, улар ҳеч қачон зурриётлари таълим-тарбиясига бефарқ бўлмастиклари керак!

– Навқирон авлодни зарарли одатлар ва фожиали иллатлардан қўтариш учун нималар қилиш зарур, деб ўйлайсиз?

– Серкўёш заминимизда азал-азалдан кураш ва кўпқари каби ел суйган мусобақалар ўтказиб келинади. Улар очик осмон остида ва кенг ялангликларда уюштирилади. Бир вақтлар турли-туман беллашувлар, томошалар ва сайилар тўйларимизга ҳам файз бағишлаган. Бундай тадбирларда Аҳмад полвон, Хўжа полвон каби кучли инсонлар фаол қатнашиб, эл орасида катта обрў-эътибор қозонишган. Ёшлар эса халқимизнинг елкаси ерга тегмаган ўғлонлари билан беҳад фахрланишган ва дилларидан шу полвонлардек бўлиш орзуси жўш урган.

Хўш, ҳозирги ўғил-қизларимиз-чи? Уларнинг аксарияти кимларга ҳавас қилиб, кимларнинг изидан боришяпти? Баъзилари данғил-лама уй-жойи, қўша-қўша машинаси бор, тунни кафе-ресторанларда ўтказадиган бой-ваччаларга ўшағиси келмаяптими?..

Бу саволларнинг жавоблари турлича бўлиши мумкин. Қандайлигиндан қатъи назар, биз ёшларни улар ҳавас қилса ва ортидан эргашса арзийдиган маънан ва жисмонан бақувват, элпарвар юртдошларимиз билан изчил таништириб боришимиз керак. Бунинг учун талай ишларни амалга оширишимиз, жумладан, муқаддам диёримизда яшган ва худди шундай фазилатларга эга бўлган аждодларимиз ҳақида бадийи ва ҳужжатли фильмлар яратишимиз лозим. Хуллас, ёшларни жисмонан бардам-бақувват, маънан етук-баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш чораларини кўришимиз шарт.

– Аслида, ота-оналар ва кексалар ёшлар учун ҳақиқий йўлбошчи ва устозлардир. Бугунги кунда биз шу ишончини оқлаб, уларни тўғри йўлга етаклай олаемизми?

– Кишлоқдан шаҳарга келган йигит-қизлар қалбида фахр уйғотадиган қандай ҳис-туйғулар пайдо бўлади? Кафе-ресторанлар, интернет-клублар, бир-биридан чиройли, бежирим автоуовлар, ҳашаматли уйлар, башанг кийинган одамлар... Сирдан қараганда, уларнинг барчаси кишини ўзига жалб этади, аммо ботинан назар солганда, ёш авлодни асосан машаққат, кайф-сафога чорловчи воситалар бўлиб чиқади. Эҳтимол, сиз фарзандингизга қимматбаҳо уяли телефон олиб берарсиз, курбингиз етса, энгил машина совға қиларсиз. Ле-

– Гапингиздан англашимча, спорт кишининг маънавиятини ҳам юксалтирар экан-да?..

– Одатда, биз спорт инсонни фақат жисмонан бақувват қилади деб ўйлаймиз. Аслида эса

у руҳиятимизга ҳам сезиларли таъсир ўтказиши ва маънан тетик-мағрур бўлишимизга хизмат қилади. Дунёдаги энг йирик илмий тадқиқот маркази ҳисобланган Мейо клиникасида ўтказилган текширишлар натижасига кўра, ҳафтада уч марта ярим соатгина жисмоний ҳаракатда бўлган инсонда ҳаётнинг руҳий зарбаларига чидамлик, ўзига ишонч ва ғурури ортади, мақсад сари интилувчанлиги, ғайрати ва атрофидогиларга хайрихоҳлиги кучаяди.

Албатта, саломатлик деганда, фақат вужуд бақувватлигини тушунмаслик керак. Агар одам маълум даражада жисмоний ҳаракатда бўлмаса, кучсизлана бошлади. Озгина ақлий меҳнатдан ҳам толиқадиган, тез-тез чарчайдиган бўлиб қолади. Айнан шунинг учун кейинги пайтларда аҳоли ўртасида юрак қон-томир касалликлари, бош ва бўгин оғриқлари кўпаймоқда. Буларнинг барчаси камҳаракатликлик, бир жойда узоқ ўтириш, пиёда юришга эришиш оқибатларидир.

– Сўнгги йилларда олий таълим тизимида жисмоний тарбия дарслари кескин камайтирилди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

– Ҳозир олий ўқув юрталарида фақат биринчи босқич талабаларига ярим йилча жисмоний тарбия машғулоти ўтилади, таъмом-вассалом! Кейинги босқичларда спорт билан шуғулланиш ёки шуғулланмаслик ёшларнинг ўз ихтиёрига қўйиб берилган.


Назаримда, бу – нотўғри усул. Аслида, олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия билан шуғулланиш мажбурий бўлиши, аввалгидек жисмоний тарбия соатларининг узлуксизлиги таъминланиши керак. Талаба неча йил ўқиса, шунча вақт жисмоний тарбия билан мунтазам шуғуллансин. Энди ўзингиз холисона айтинг, талаба маърузани уйқусираб ўтириб тинглаганидан кўра, кўзлари қақнаб турган ва тетик ҳолда эшитгани минг қарра афзал эмасми?..

– Ҳозир юртимизда белбоғли курашни кенг оммалаштиришга нималар ҳалақит берапти?

– Спортнинг ушбу тури бўйича машғулотлар ёки мусобақалар ўтказиш учун ҳашаматли заллар, катта стадионлар шарт эмас. Қирадирлар ва яёловлар уларнинг вазифасини бемалол ўтайверади. Бироқ бизнинг олдимизда турган асосий тўсиқлардан бири мусобақаларни ташкиллаштиришга юқори ташкилотлар томонидан ижозат берилмаслиги ёки руҳсат беришнинг роса чўзилишидир. Аникроғи, спортнинг белбоғли кураши янада оммалаштиришга моддий қийинчиликлардан кўра маъмурий чекловлар кўпроқ тўсиқ бўляпти.

– Спортнинг олимпиада ўйинлари тарқибига қирадиган ва кирмайдиган турларини ажратишди. Бу нечоғли тўғри?

– Баралла айта оламан: жудаём нотўғри муносабат! Устига-устак, белбоғли кураш Олимпиада ўйинлари сирасига киритилмаган. Шунинг баҳона қилиб, миллоддан аввалги даврда шаклланиб улгурган бу спортга ўғай кўз билан қараш адолатдан эмас. Чунки асрлар оша миллий қадриятларимизнинг узвий бўлаги бўлиб келган белбоғли кураш том маънода халқ спортидир. Уни назар-писанд қилмаслик миллий қадриятларимизни менсимаслик билан баробардир!



Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА суҳбатлашди.

Саломатлик

Мен қандай қилиб бир ёшга ёшардим?

Яқинда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги матбуот котиби Санжар Турсуновнинг таклифи билан Самарқанд вилоятидаги учта объектга пресс-турга бордим. Шулардан бири – Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази бўлди.



Маскан замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган экан. Соғлом турмуш тарзига риоя қилаётганим ва уни тарғиб этаётганим учун инсон танасининг функционал ҳолатини компьютерга мажмуавий тизимли тадқиқ қиладиган «Омега» диагностика ускунаси диққатимни тортди. Қизикан 3-4 киши 5 дақиқалик таҳлилдан ўтди. Ҳаммада ҳар хил натижа чиқди.

Текширувдан сўнг бу жараёнга бош бўлган психолог Гули Эрдонова билан суҳбатлашдик. Касбдошим Шарофиддин Тўлағановнинг натижаларини маълум қилди: – Асабийсиз. Йиғилиб турган чарчоқингиз бор. Бирор жойга борсангиз, мақсадингизни унутиб қўясиз. Хотирингизда пасайиш борми? Шундайми? – Энди... ёш ўтган сари...

– Буни ёш билан боғламам. Биз – ўзбеклар шунақамиз. Қарилкини дарров бўйинга оламан. Европаликлар 60-70 ёшда бўлса ҳам, мен ёшман, дейди. Хужжатдаги ёшингиз 58. Ускуна сизни 60 ёш кўрсатди. Сизга тавсия: ўзингизни «Мен ёшман!» деб созланг. Хотирани паст, касалман, десангиз, буларни ўзингизга қаққириб оласиз. Баъдин хаёллар онг остингизга жойлашиб олади.

Кейин психолог мен билан суҳбатлашди: – Аъло! Ҳаммаси яхши. Зўр. Ўзингизни руҳий бошқара олар экансиз. Нохуш вазиятдан тезда чиқиб кетаркансиз. Танангизнинг функционал ҳолати нормада. Асаб тизимингизнинг вегетатив ишлаш тартиби нормага мос ҳолатда, организмнинг функционал захираси ҳам нормада. Асаб тизимингизнинг нейроморал ишлаш ҳолати нормага мос келади, компенсация миқдори юқори, захираси максимал даражада. Асаб тизимингизнинг психо-эмоционал ҳолати аъло даражада, фаоллик юқори. Организмингиз мослашувчанлик имкониятлари нормада.

Натижалар психолог ва ўзим учун ҳам ҳайратланарли эди. Бешта устунда берилган бу жавобларнинг бари ям-яшил айлана билан белгиланганди. Мақтаншиш учун эмас, қислаш, соғлом турмуш тарзининг ўта фойдали эканини такрор эслаш учун айтаи: шерикларимда бу айланалар сариқ, қизил, сариқ-қизил, қизил-сарик чиқди. Биологик ёшдан ҳатто 15 ёшгача катта чиққанлар бўлди.

Хужжат бўйича ёшим 36 да. 2022 йил 26 августда 37 ёшни тўлдираман. Ускуна биологик ёшимни 35 кўрсатди. Яъни, соғлом турмуш тарзига амал қилаётганимдан сўнг бир ёшга ёшарибман, деб ўйладим.

– 10 йилга ёшаришга ҳаракат қилинг, – тавсия берди Гули Эрдонова. – Жисмоний машқлар қилинг, тўғри овқатланг.

Бошқа яшириб ўтиролмасдим. Охири сирни очдим. Суҳбатимиз шу нуқтага етганда йил бошидан бери соғлом турмуш тарзига амал қилаётганимни айтдим. Вазним 111 килодан 96 килога пасайганини, шу сабаб қон босимим 140/100дан 120/80га тушганини очикладим. У бунинг яхши қабул қилди. – Январдан аввал келганингизда, балки сиздаям кўрсаткичлар қизил, сариқ чиқармиди, – сўзларини давом этди психолог. – Соғлом турмуш тарзига риоя қилганингиз учун натижангиз зўр чиқди. Мен хурсандман.

Ёшини катта чиқарганидан ҳаҳли чиқиб, ускунага ишонмаганлар, психологни башоратчиға йўйганлар ҳам бўлди. Пресс-туримиз нияоясига етгач, марказ директори Ақром Бердиевдан: «Ускуна алдамайди?» деб сўрадим. У киши: «Йўқ!» деди.

Уша кундан олган хулосам шундай бўлди: танамизни касалликлар эгаллаб олмасидан бурун уни тозалаб туриш керак. Маълумот учун айтишим керакки, мен бир кунда 10 минг қадам юришни кундалик одатга айлантирганман. Ва яна, ҳафтада икки марта сув ҳавзасига бориб, 1000-1500 метр массафага сузаман. Бундан ташқари, ёғли ва хамирли овқатларни камайтириб, кўкатлар, мева-сабзавотлар истеъмол қилишни кўпайтирганман. Шу зайл тўрт ойда вазним 111 килодан 96 килога тушиб, соғлом турмуш тарзига қайтдим. Энг муҳими, юқори қон босими – гипертония касаллигим тузалди. Иккинчидан, қориндам дам бўлиши йўқолди. Учинчидан, юрагим спортчиларникидай оҳиста ура бошлади. Тўртинчидан, жигарим тозаланиб, баландлаган ферментлари меъёрига тушди. Бешинчидан, қийшайган ўт қопим тўғриланапти... Мана, сизга натижа. Мен қандай қилиб ёшарганимнинг сирини.

Фозил ФАРҲОД

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:
Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сийдәр вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-98-01
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муавиллар фари қадрият нукта назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррирлар:
А. Ҳайдаров,
А. Абдурахмонов
Мусахҳач:
У. Худойберганава
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **06:00**
Топширилди – **06:20**
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табоқ. Буюртма **V-5182**
34287 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**
1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нархда
Манзилими:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий ўйи босмаҳонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.
Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Муслмонлари идораси ҳузуридаги «VAQF» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар филиали Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан етим ва чин етим болаларнинг, ногирон инсонлар ва бошқа эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг ўқисик дилларига қувонч улашишга аҳд қилди.

Шунга кўра, «Болалар жаннатининг гўзал капалакларидир» шиори остида пойтахтимиздаги масжид ва диний таълим муассасалари эҳтиёжманд ходимларининг, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳамда бошқа кам таъминланган оилаларнинг 63 нафар фарзандларини хатна қилдириб, «Эзидёр» тўйхонасида базм

Ўқсик кўнгилларни шод этиб...



дастурхони ташкил этди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар, маҳаллалар фаоллари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

– Уқсик кўнгилларни шод айлаш ва эҳтиёжманд оила аъзоларининг

хурсандчилигини кўриш биз учун шарафдир, – дейди «VAQF» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар филиали раҳбари Зоҳиджон Тўраев. – Бу болажонлар келажақда мамлакатимиз раванқига ҳисса қўшадиган, олижаноб фарзандлар бўлиб

улғайишига ишончимиз комил. Эзгу ниятда ўтказилган тадбир эса инсонпарварликнинг ёрқин намунаси сифатида кўпчиликнинг ёдида қолади.

Қомила БОЙМУРОВА, «ISHONCH»

Тадбир